Гос. библиотека УзССР
19 ИЮЛ 1982

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

17 ИЮЛЬ, 1982 ИИЛ, ШАНБА
№ 163 (2.569).
Баҳоси 3 тийин.

60 йилликка—60 центнердан

ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАМИЗ

Бригадамиз комплекс механизацияни пахтачиликка жорий этиш—иқтисодий самарадорлик ва «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштиришнинг бош омили эканлигини Хоразм воҳасида кўп йиллардан буён амалда исботлаб келаётган пешқадам коллективлардан биридир. Жаҳон пахтачилигининг энг шимолий зонасида жойлашган воҳа шароитида пахтадан муттасил юқори сифатли, мўл-кўл ва арзон ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Мўл пахта ҳосили қанчалик машаққатлар эвазига етиштирилишини асл деҳқон жуда яхши билади. Шу боис эришаётган муваффақиятларимиз замирида қанчадан-қанча фидойилик, чинакам қаҳрамонона меҳнат ётганлигини ҳис қилиш қийин эмас. Техника тараққиёти, фан ютуқлари, илғорларнинг бой тажрибалари ўзаро уйғунлаштириб юборилганлиги зафарларимизнинг асосини ташкил этмоқда. Натижада ўн йилдан ҳам кўпроқ вақтдан буён ҳар гектар ердан ўртача 50 центнердан ошириб ҳосил етиштириб келмоқдамиз.

Бу йил учинчи марта минг тонналик маррани кўзлаб меҳнат қилмоқдамиз. Минг тонналик ҳаракатини ҳам воҳада биринчи бўлиб бригадамиз саршунослари бошлаб беришган эди. Дастлабки йилнинг ўзида юксак маррани шараф билан эгаллаб, ватанимизга содиқ қолдик. Биз ана шу минг тонналик ҳосилни 150 гектар майдонда етиштирдик. Об-ҳаво ниҳоятда ноқулай келган ўтган йилги шароитда ҳам минг тонналик довондан ошиб ўтдик. Пландаги 40 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 66,7 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олдик. Халқ хўжалик плани қариб 167 процентга адо этилди. Ана шу ҳосилнинг 900 тоннадан кўпроғини машиналар ёрдамида йиғиб-териб олиб, бу борада белгиланган планни 150 процент уддаладик. Ишни хўжалик ҳисобида юритганлигимиз катта иқтисодий фойда келтирди. Бригадамиз пландаги 288 минг сўм ўрнига 471 минг сўм даромад қилди. Ҳар бир центнер пахтанинг таннархи пландаги 27 сўм ўрнига 25 сўмга тўғри келди. Ҳар килограмм соф азот ҳисобига 19 килограммдан пахта етиштирилди. Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ўртача 4238 сўмдан иш ҳақи олди. Бу планда кўзда тутилганидан 1737 сўм кўпдир. Юксак даражадаги бундай манфаатдорлик деҳқончилигимиз рентабеллигини оширишда ҳам, иш сифати ва суръатини юксалтиришда ҳам, пахта ҳосилдорлигини тобора ўстиришда ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Моддий манфаатдорлик ошаётганлиги туфайли заршуносларимизнинг меҳнатга бўлган муносабати яхшиланмоқда, касбга бўлган масъулият ҳис-туйғуси ошмоқда.

Ҳар бир шодиёнани улкан меҳнат зафарлари билан муборакбод қилишга одатланиб қолган заршуносларимиз СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини ҳам муносиб нишонлашга қатъий қарор қилиб, ана шу олижаноб мақсад йўлида фидойилик намуналарини кўрсатмоқдалар. Маррамиз — гектаридан 70 центнер! Бу — айтишга осон, аллаба-та. Лекин, биз зиммамизга ана шундай юксак мажбурият олар эканмиз, унинг масъулиятини ҳам, пахтакорлик шарафи ва бурчини ҳам, машъаллигимиз шаънини ҳам чуқур ҳис қилдик. Шу боисдан кузги-қишки дала ишларини ҳар қачонгидан намунали ўтказдик, барча майдонларнинг шўрини тўрт марта сифатли қилиб ювдик, ҳар гектар ер ҳисобига 40 тоннадан кўпроқ маҳаллий ўғит ташиб чиқардик. Бригадамиз учун ажратилган техника воситалари барвақт ремонтдан чиқариб қўйилганлиги, етарли миқдорда уруғлик ҳозирланганлиги туфайли кўкламги ер ҳайдаш, текислаш ва чигит экиш ишлари агротехника муддатларида, юксак сифатли қилиб ўтказилди. Бу эса барча майдонларга барака уруғи қадашни энг қулай ва қисқа муддатда тугатиш имкониятини берди.

Натижада барча майдонларда бир текис ниҳол олинди. Яганалаш агротехника тартиб-қоидалари асосида қисқа муддатларда ўтказилиб, ҳар гектар ерда ўртача 110 минг тупдан кўчат қолдирилди. Ана шу майдонларда ҳозиргача уч марта сифатли ва чуқур культивация ўтказилди. Яхши ишлов туфайли кўчатлар барвақт амал олиб ривожланмоқда. Культивация давомида гўза қатор ораларига гектар ҳисобига 100 килограмм азот, 200 килограмм аммофос, 10 тоннага яқин маҳаллий ўғит билан аралаштирилган ҳолда бериб чиқилди. Сифатли озиқлантириш туфайли барча майдонлардаги ниҳоллар эрта ва бир текис шоналади, ўтган йиллардагидан анча олдин гулга кирди.

Суғориш — агротехниканинг энг муҳим тадбирларидан бири, шунинг учун ҳам асосий эътиборимиз мавжуд барча пайкалларни қондириб суғоришга қаратилган. Гўза қатор ораларига сув тарашдек муҳим иш бригадамизнинг 8 нафар аъзоси зиммасига юклатилган. Уларнинг ҳар бирига далалар биркитиб берилган. Улар ўзларига биркитилган далаларда суғориш сифати учун жавоб беришади. Меҳнат ҳақи бажарилган иш ва унинг сифатига қараб бериб борилади. Суғоришнинг сифатига путур етказган, бостириб суғорган ёхуд пайкалларга сувнинг бир текис таралишини таъминламаган сувчилар қўшимча мукофотлардан маҳрум этилади. Лекин ҳали бизда бу тартиб қўлланилгани йўқ, нега деганда сувчиларимиз ўз зиммаларига юкланган вазифани аъло даражада бажармоқдалар. Искандар Абдуллаев, Қодирберган Ҳажиев, Раҳмонберган Элтазаров, Жобберган Каримов сингари моҳир сувчиларимиз кунда нормадаги 0,8 гектар ўрнига 1,2—1,5 гектар ерга жилдиратиб ва қондириб сув тараб, экинларнинг нормал ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосилга киришини жадаллаштириш учун суғориш билан гўза қатор ораларига ишлов бериш ва ниҳолларни минерал ҳамда маҳаллий ўғит аралашмаси билан озиқлантириши бирбирига боғлаб ўтказиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бу тадбирларни ўтказишда биз далаларнинг тупроқ шароитига алоҳида эътибор берамиз. Пайкалларни бегона ўтдан ҳамиша холи тутамиз, тупроқни нам ва юмшоқ ҳолда сақлаймиз. Минерал ўғитларни ҳам экиннинг ривожига қараб берамиз. Бу йил гўзаларимиз бултургига нисбатан жадал ривожланаётганлигини ҳисобга олиб минерал ўғитларнинг йиллик нормасини, юқорида айтганимиздек, июнь ойининг иккинчи ярмидаёқ далаларга солиб чиқдик. Асосий ҳосил тўплаш даври ҳисобланган июль ойида биз гўза қатор ораларига камида 2—2,5 марта сифатли ишлов берамиз. Минерал ва маҳаллий ўғитлар билан қўшимча озиқлантирамиз. Ўсишдан ортда қолган пайкалларга эса оширилган нормада қўшимча ишлов ўюштирамиз. Бу пайтда ҳам культивациялаш, озиқлантириш ва суғоришга алоҳида эътибор қилиш, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини таъминлаш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Биз бунга оғишмай амал қилаётирмиз.

Бригадамизга учта механизм биркитиб берилган бўлиб, уларни моҳир механизаторларимиздан Ўктам Бобожонов, Раҳим Саидмуродов, Рўзимат Эгамбердиевлар юксак унум билан бошқаришмоқда. Барча пайкалларимизга улар кўкламда барака уруғи қадашган эди. Бугун эса уларнинг ўзлари қатор ораларига сифатли ишлов беришмоқда, чуқур культивация қилиб, сифатли озиқлантиришмоқда. Айни кунларда муҳим агротехник тадбирларни амалга оширишда уларнинг ҳар бири кунлик нормани одатдагидай 1,5—2 баравар қилиб уддаляпти. Етиштирилаётган ҳосилни ҳам ана шу азамат механизаторларимизнинг ўзлари «зангори кема»лар ёрдамида йиғиб-териб беришади.

Бу йил ҳосилнинг 95 процентини «пўлат этак»лардан тўкишга қарор қилганмиз. Ана шунинг учун ҳам гўзалар машинабоп қилиб ўстирилмоқда. Экинлар гексохлоран билан ишланганлиги туфайли далаларимизда ҳашаротлар йўқ. Натижада гўза ниҳоллари ҳосил элементларини тобора кўпайтирмоқда, шоналар гулга, гуллар эса кўсакларга айланмоқда. Кўсакларнинг мағзи тобора тўлишиб, бормоқда. Биз парваришни намунали олиб бораётганлигимиз туфайли июль ойининг ўзида ҳар тун ниҳолда ўртача 8—10 тадан тўқ кўсак бўлишига эришишни қатъий ният қилиб қўйибмиз. Август ойида эса барча пайкалларга тағин бир-бир ярим марта, ривожи суст пайкалларга эса икки марта комплекс ишлов беришни таъминлаб, ҳосилга-ҳосил қўшилишига эришамиз. Ана шундагина биз зиммамизга олинган юксак мажбурият даражасида мўл пахта ҳосили етиштиришини таъминлаган бўламиз.

Хуллас, аҳдимиз—аҳд, сўзимиз—сўз: 150 гектар ернинг ҳар гектари ҳисобига 70 центнердан хирмон кўтарамиз, унинг ялпи миқдорини 1050 тоннага етказамиз. Бригадамиз 18 нафар аъзосининг ҳар бири ҳисобига 58 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етиштирамиз, унинг таннархи ўтган йилги даражадан ҳам арзон ва сифати янада юқори бўлишини таъминлаймиз. Бу бизнинг — КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми тарихий қарорларига амалий жавобимиз, СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллик юбилейига эса энг муносиб совғамиз бўлади.

С. ХУДОЙҚУЛИЕВ,
Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли колхоз комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

⊙ ҲАР ТУП ҒЎЗАНИНГ СЕРҲОСИЛ БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ПАРВАРИШНИ СИФАТЛИ ОЛИБ БОРАЙЛИК ⊙ МУҲИМ АГРОТЕХНИК ТАДБИР ЧЕКАНКАНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЎТКАЗИНГ ⊙ ҚУСАК ҚУРТИ — ҲОСИЛ ДУШМАНИ. УНИ ҚИРИБ ТАШЛАШ УЧУН БИОЛОГИК ВА ХИМИЯВИЙ УСУЛЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК ⊙ ҒЎЗАНИ САРАТОН СУВИГА ҚОНДИРИШ ГУЛГА ГУЛ, ҚУСАККА ҚУСАК ҚУШИШ ДЕМАКДИР ⊙ ҲАММА ЖОЙДА ЗИММАГА ОЛИНГАН ЮКСАК СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҚОПЛАЙДИГАН ДАРАЖАДА МУЛ ҲОСИЛ ТЎПЛАЙЛИК.

МЕЛИОРАЦИЯ—ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХИЗМАТИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгих, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли Е. Е. Алексеевский номли Бутуниттифоқ «Союзгипроводхоз» лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот институтида бўлдилар ва мамлакат агросаноат комплексининг таркибий қисми бўлган мелиорация ва сув хўжалигини ривожлантириш лойиҳалари билан танишдилар.

Министрлик раҳбарларининг ва лойиҳалар бош инженерларининг докладлари тингланди, тармоқда фан-техника тараққиётини ва СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасини амалга оширишда мелиорациянинг аҳамиятини акс эттирувчи экспозицияни кўздан кечирдилар.

Учрашувда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, Г. И. Марчук, З. Н. Нуриев, СССР Фанлар академияси президенти А. П. Александров, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Васильев, гидрометеорология ва табиий муҳитни контроль қилиш Давлат комитети раиси Ю. А. Израэль иштирок этдилар.

(ТАСС).

ШАРҚНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИНИНГ БИРИНЧИ СОНИ ЧИҚҚАН КУННИНГ 50 ИЙЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ИЙҒИЛИШ

Роппа роса ярим аср муқаддам — 1932 йилнинг июнида Ўзбекистон ёзувчилар союзининг адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журнали —«Шарқ юлдузи»нинг биринчи сони босмадан чиқди. 16 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ана шу шонли санага бағишланди. Йиғилишни Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов очди.

Журнал эллик ёшда... Журналнинг шу йиллар мобайнида тўпланган саҳифалари республика ҳаётининг бадиий йилномаси, қурилишлар, ерларни ўзлаштириш йилномаси, янги номларни юзага чиқарган бадиий ижодиётларнинг йилномаси бўлиб қолди. Журнал сонлари Улуғ Ватан уруши йилларида солдатларнинг ўлмас жасоратини ва мамлакатнинг ичкари томонидаги қаҳрамонона меҳнатни, совет халқининг коммунистик қурилиш йўлидаги зафарлари улуғворлигини тасвирлади.

Редакция коллективи журналхонлар Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ», «Эсдаликлар» каби ажойиб асарлари билан журнал саҳифалари орқали танишганликларидан фахрланади.

Ҳамза, Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжоннинг асарлари журналда босилиб чиқиб, халқнинг севимли асарлари бўлиб қолди. Журнал саҳифалари М. Шайхзода, Миртемир, Ш. Рашидов, К. Яшин, М. Шевердин, Зулфия, Уйғун, Н. Сафаров, А. А. Удалов асарларини биринчи бўлиб китобхонларга етказди, кўнгина шоирлар ва прозаиклларнинг истеъдодини камол топтирди.

Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. Йиғилиш аҳли уни самимий кутиб олди. Ш. Р. Рашидов журнал коллективини, республиканинг барча адибларини шонли сана билан, ҳукуматнинг юксак мукофоти — Халқлар дўстлиги ордени билан сидқидилдан муборакбод этди. Журнал Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги актив иштироки учун мана шу мукофотга сазовор бўлди.

Ш. Р. Рашидов журнал мана шу бутун йиллар мобайнида адабий жараёнга актив таъсир ўтказиб келганлигини, китобхонларни маънавий тарбиялаш мактаби, кўпгина ўзбек шоирлари ва прозаиклари мамлакатимизнинг кўп миллатли улкан адабиётига йўлланма берган ижодий лаборатория бўлиб келганлигини таъкидлади. Журнал саҳифалари ўзбек китобхонларига Пушкин ва Горький, Низомий ва Шота Руставели, Шолохов ва Симонов ижодиётини чин қалбдан абадий севиб қолишларида ёрдам берди. Йиллар ўтди, журнал саҳифаларида эълон қилинган асарларнинг мавзулари ўзгариб борди, лекин улуғ Ленин идеаларига садоқат мавзуси, бу йил СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини нишонлайдиган совет халқлари оиласи дўстлиги ва қардошлиги мавзуси ҳамиша бош мавзу бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Республика партия ташкилоти жонажон Коммунистик партия ўртага қўйётган вазифаларнинг тарғиботчиси бўлишни, КПСС XXVI съезди улуғвор режаларининг амалга оширилиши тўғрисида ҳикоя қилишни «Шарқ юлдузи» коллективининг жанговар вазифаси деб билади. Республика меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга ошириш учун олиб бораётган кураши журнал ҳозирги сонларининг асосий мавзусидир. Бадиий сўз усталари қишлоқ меҳнаткашлари тўғрисида ёрқин ва ишонтирарли тарзда ҳикоя қилишлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни илғорларининг тажрибасини кўрсатишлари керак.

Журналнинг бош редактори филология фанлари доктори Х. Ш. Абдусаматов журнал фаолиятига, коллективнинг ижодий меҳнатига берилган юксак баҳо учун партия билан ҳукуматга астойдил миннатдорчилик изҳор қилди.

Йиғилишда журнал ташкилотчиларидан бири Ўзбекистон халқ шоири Уйғун, «Звезда Востока» журналининг бош редактори, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси А. А. Удалов юбилярининг Қозоғистондаги қардоши — «Жулдуз» журнали бош редактори Б. Тлегенов, Тошкент область Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз раиси Х. Эргашев, ТошДУ студенти Д. Раҳматуллаева сўзга чиқиб, жонажон партияга, совет ҳукуматига миннатдорчилик билдириб ижодий коллектив шаънига эзгу тилаклар айтдилар.

Журнал номига Москва, Ленинграддан, қардош республикаларнинг пойтахтларидан келган табрик телеграммалари ўқиб эшиттирилди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов иштирок этди. (ЎзТАГ).

РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛАЙЛИК

НАВОИЙ, 16 июль. (ЎзТАГ). Бугун Хатирчи районидаги Карл Маркс номли колхозда Навоий область қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда область меҳнаткашларининг пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш бораси-дагги вазифалари муҳокама этилди.

Кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин очди. Область ижроия комитетининг раиси У. А. Асатов доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар Навоий области-нинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг тарихий қарорларини, унда қабул қилинган Озиқ-овқат программасини баланд руҳ билан қутиб олиб, уларни бажаришга зўр ғайрат билан киришганликларини таъкидладилар. Мўл пахта ҳосилини таъминламоқ учун деҳқонлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланишлари, барча агротехника тадбирларини ўз вақтида бажаришлари, гўза парваришининг Тошкент технологиясини активроқ жорий этишлари зарурлиги уқтириб ўтилди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини давлатга 200—240 минг тонна «оқ олтин» сотиш билан нишонлаш — мамлакатдаги энг навқирон область меҳнаткашларининг шон шараф ишидир.

Нотиқлар Навоий области республикада қорақўлчиликнинг асосий базаси эканлигини айтдилар. Бу йил ҳозирдаёқ салкам бир миллион дона қорақўл тери топширилди, ҳар юз бош совлиқдан 160 тадан қўзи олинди. Область қорамолни 18 процент, чўчқани икки баравар кўпайтириши керак, қўй-эчкилар туёғи ва парранда-ларга анча ортади. Ҳар бир колхоз ва совхозда ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини камида 3000 килограммга, қорамолларнинг гўштга топшириладиган вазнини 400 килограммга, қўйларнинг вазнини 50 килограммга етказиш керак.

Сўзга чиққан кишилар емхашак етиштиришни яхшилаш чорвачиликни юксалтириш негизи эканлигини қайд этиб ўтдилар. Бу соҳада мажмажўхори катта имкониятлар очади. Аммо область хўжаликларида унинг ҳосилдорлиги ҳозирча қониқарсиздир. Чорвачилик ва далачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан боғлиқ бўлган бошқа баъзи масалалар ҳал этилмаган. Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари мавжуд резервлардан фойдаланиш учун қатъий чоралар кўришлари, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишлари керак.

Кенгаш қатнашчилари қабул қилган мурожаатномада Навоий области меҳнаткашларини далачилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун бутун кучларини сарфлашга даъват этадилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз заршуослари юбилей йилида 13 минг тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этишга бел боғлаганлар. Шу мақсадда 4 минг гектар майдондаги гўзалар қалб қўри билан ўстирилмоқда. Азамат пахтакорлар мўл ва юқори сифатли ҳосил етиштириш иштиёқида фидокорона меҳнат қилиятилар.

Суратларда: 1. Бош ирригатор Рустам Мусурмонов (ўнгда), бўлим бошлиғи Раҳмон Эшмуродов ва тажрибали бригадир Каромат Каримова билан гўзалар ривожи ҳақида суҳбатлашмоқда. 2. Экин қатор ораларига ишлов бериш пайти.

Ж. Тўраев фотолари.

ҚОРАКЎЛЧИЛАР КЕНГАШИ

Самарқандда бўлиб ўтган республика семинар-кенгашининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорлари асосида республика қорақўлчиларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Қўйлар маҳсулдорлигини ўстиришга, яйловлардан самарали фойдаланишга, қорақўлчилик хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари қабул қилган тадбирларда беш йиллик давомида қорақўл тери тайёрлашни кўпайтириш билан бир қаторда гўшт етиштиришни бир ярим баравар ошириш белгиланди. Қўйларни бўрдоқига боқадиган совхозлараро комплекслар тармоғини кенгайтириш кўзда тутилади. Бу эса гўшт топширилган жониворлар вазнини ошириш имконини беради.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов нутқ сўзлади.

Семинар-кенгаш қатнашчилари «Карноб» давлат наслчилик заводида, қўйларни бўрдоқига боқадиган совхозлараро комплексда ва «Каттақўрғон» қорақўл заводида бўлдилар, илғор қорақўлчиларнинг иш тажрибаси билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотни ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан «Труд» газетасининг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири ўртоқ Геннадий Николаевич **Крюкка** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуот органларида самарали ишлаганлиги учун ва «Шарқ юлдузи» журнали чиқа бошлаган кунга эллик йил тўлиши муносабати билан шу журналнинг бир группа ходимларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

Исроилнинг Ливандаги агрессиясига қарши норозилик митинглари республикада давом этмоқда. Митинглар-нинг қатнашчилари сионист босқинчилардан Фаластин ва Ливан ватанпарварларига қарши қаратилган қароқчилик ҳаракатлари дарҳол тўхтатилишини талаб қилмоқдалар.

Жиззах областидаги Жданов номли совхоз меҳнаткашлари Тель-Авивнинг инсон зотига душман сиёсатига қарши норозилик митинги ўтказдилар.

— Исроил қотилларининг Ливандаги тинч аҳолидан қонли ўч олишига дарҳол чек қўйилишини талаб қиламиз, — деди механизатор С. Зиёев. — Бутун коллективимиз ўртоқ Л. И. Брежневнинг Америка президентига мурожаатини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Мурожаатда миллионлаб ливанликар ва фаластинликларнинг ҳаётини сақлаб қолишга интилиш изҳор этилган.

Совхоз меҳнаткашларидан А. Аҳмедов, М. Эргашева ва бошқалар тинчликсевар кучларни фаластинликлар ва ливанликларнинг ҳуқуқларини қатъиян ҳимоя қилишга, агрессорни Ливандаги қароқчиликни тўхтатишга мажбур этишга даъват қилдилар.

* * *

Самарқанд лифтсозлик заводичинг ходимлари Исроилнинг Ливанга ваҳшиёна бостириб кирганлигини ғазаб билан қораладилар. Бу ерда бўлиб ўтган норозилик митингида меҳнат ветерани Б. Круглов ўз ўртоқлари номидан қуйидагиларни айтди:

— Исроил босқинчилари Ливан ва Фаластин ватанпарварларига қарши ваҳшиёна ёвузликлари билан ер юзидаги барча софдил кишиларни даргазаб қилмоқдалар. Халқларнинг озодлик ва мустақилликка бўлган ирода-сини ҳеч қандай йиртқичилар билан букиб бўлмаслигини тарих неча марта исботлаган. Шу жиноятнинг ташкилотчилари агрессив урушлар ҳамиша қандай тугашини эсга олишлари керак.

* * *

Исроилнинг Ливандаги агрессиясига қарши кўп кишилик митинглар Тошкентдаги «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида, республиканинг бошқа меҳнат коллективларида ҳам бўлиб ўтди. (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

МАЪМУРЧИЛИК МАНБАИ

УЗБЕКИСТОН ССРДА... ЎН ЙИЛЛИКДА МЕВА ВА РЕЗАВОР МЕВА ЕТИШТИРИШ ТАХМИНАН 1,8 БАРАВАР, УЗУМ ЕТИШТИРИШ 3 БАРАВАР КЎПАЙТИРИЛИШИ ТАЪМИНЛАНСИН. УЗУМНИНГ ХЎРАКИ ВА КИШМИШБОП НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ВА УНИ САВДОГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ, ШУНИНГДЕК, ЛИМОН ЕТИШТИРИШГА АЛОҲИДА ЭТЪИБОР БЕРИЛСИН.

(«СССРнинг Озиқ-овқат программаси»дан).

Меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш партиямизнинг бош вазифаси бўлиб келди ва ҳамма вақт шундай бўлиб қолади. Коммунистик партиямиз фаолияти ва йўл-йўриқларининг қудрати, ҳаққонийлиги, буюклиги шундаки, у камида ўн, йигирма йилдан сўнг ҳам ҳаёт тақозоси билан вужудга келадиган барча масала ва муаммоларни бугундан ҳал этади. Маълумки, яна ўн йил ўтгандан кейин мамлакатимиз аҳолиси сон жиҳатдан табиий кўпаяди, турмуш маданияти юксалади, талаб ва эҳтиёжлари ортади. Биргина мисол: ўша пайтга бориб аҳолини йилнинг тўрттала фаслида ҳам бирдек мева, узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари билан таъминланиши оддий вазифа бўлиб қолади. Оддий вазифа, аммо унга чуқурроқ ёндошиш, уни бугундан ҳал қилишга киришмоқ даркор. КПСС Марказий Комитетининг Озиқ-овқат программаси ана шу мақсадни кўзлаб, бу соҳадаги барча вазифаларни аниқ ва равшан белгилаб берди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездидаёқ Озиқ-овқат программасининг туб мақсади ва моҳиятини шундай ифодалаб берган эди: **«Бу программа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг анча кўпайтирилишини таъминлаши керак. Бу программа қишлоқ хўжалиги билан унинг маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тармоқларни, албатта, савдони ҳам бир-бирига маҳкамроқ боғлаши лозим. Бошқача қилиб айтганда, бу программанинг ўз олдига қўйган мақсади аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш вазифасини мумкин қадар қисқа муддатларда ҳал этишдан иборатдир».**

Озиқ-овқат программасини тўла, узил-кесил амалга ошириш, айниқса қишлоқ хўжалик меҳнаткашларидан жуда катта фидокорлик, омилкорликни талаб этади. Программада ички имкониятлар, барча резервлардан тўла фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган. Областимизда истиқбол программасини амалга ошириш борасида жуда катта комплекс тадбирлар белгиланган. Янги узумчилик, боғдорчилик, асаларичилик совхозларининг ташкил этилганлиги бунинг яққол мисоли бўла олади.

Бизнинг узумчилик-боғдорчилик совхозимиз ҳам Андижон адирлари ёнбағрида шу йилнинг баҳорида ташкил этилди. Совхозимизда келаси йилдан бошлаб узум ва боғдорчиликдан ҳосил олина бошланади. 1985 йилга бориб эса кенжа хўжалигимиз область аҳолисинигина эмас, мамлакатимизнинг Шимолий ва Узоқ Шарқ районлари аҳолисига узум ва турли мевалар етказиб бера бошлайди.

Совхозимизга 1860 гектар янги ўзлаштирилган адир ажратиб берилди. 380 гектар майдонга узумнинг хўраки ва кишмишбоп навларини ўтказдик. 80 гектар ердаги олма, ўрик, шафтоли, гилос, олхўри ниҳолларини парвариш қиляпмиз. Яъни 760 минг туп узум, 20 минг туп олма, 1000 туп ёнғоқ, 6 минг туп олхўри, 5 минг туп ўрик, 5 минг туп шафтоли, 400 туп янги навли гилос, 200 туп анор кўчатлари экдик. Кўчат сотиб олиш ва экишга 350 минг сўм маблағ сарфладик. Биринчи йилдаёқ 2500 тонна пахта, 40 тонна қовунтарвуз, 40 тонна картошка, 50 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини олганмиз.

Шунингдек, чорвачиликни кескин ривожлантириш асосида маҳсулот етиштиришни шу беш йилликдаёқ 1,5 баравага оширамиз. Ҳозир 25 та қорамол, 600 та қўй, 4000 та жўжани парвариш қиляпмиз. Шу йилнинг декабрида РСФСРдан 1000 та қора-ола зотли ғунажин келтирамиз. Озуқа базасини мустаҳкамлаймиз. Биринчи марта мажкажўхори экилаётган майдонларимизнинг ҳар гектаридан 80 центнердан «каҳрабо дон» етиштирамиз.

Совхозимиздаги мавжуд 3 та бўлимга тажрибали соҳибкорлар — Одилжон Умаров, Султонбой Мўминов, Усмонжон Низомовлар бошчилик қилишяпти. Аввалдан ҳаммамиз ҳам боғ барпо қилардик, уни парваришлардик, ҳосил беришини кутардик. Лекин бугунги вазифа бошқачароқ. Боғ барпо қилдингми, унинг ҳосил беришини кутиб ўтирма, чинакам соҳибкор бўлсанг, уни имкони борича қисқа муддатда ҳосилга киргит. Озиқ-овқат программасидаги вазифалар ҳам худди шуни тақозо этмоқда.

Ана шу мақсадда областимизнинг Мичурин номидаги боғдорчилик совхози ва унинг мутахассислари билан жуда яқин алоқа боғладик. Узум ва меваларнинг янги, серҳосил, ҳосилга эрта кирадиган навларини саралаб олдик. Шунингдек, республикамизнинг ва Тожикистоннинг бир қатор боғдорчилик хўжаликлари билан боғландик. Натижа биз кутгандан ҳам зиёда бўлиб чиқмоқда. Юқорида айтганимиздек шу йил баҳорда экилган 760 минг туп узум кўчатларининг ярмига яқини шу йилнинг ўзидаёқ дастлабки ҳосил нишонасини кўрсатди. Бу узум кўчатлари келаси йилдан ростмана ҳосилга киради. Олма, ўрик, шафтоли, гилос, ёнғоқ, анорнинг ҳам бир йилда ҳосилга кирадиган навларини келтирганмиз.

Халқимизда бир гап бор: боққа ҳам қарасанг боғ. Минг эрта ҳосилга кирадиган нав бўлганда ҳам у етарли парвариш қилинмаса мевасиз дарахтдай гап. Бир туп узум ёки олмадан 20 килограмм ҳосил олиш ҳам мумкин, 300—500 килограмм ҳосил олиш ҳам мумкин. Бунинг асоси соҳибкорнинг маҳорат ва тажрибасига боғлиқ.

Тўғрисини айтиш керак. Ҳамма жойда ҳам узумчилик ва боғдорчиликка пахта сингари жиддий эътибор берилмайди. Республикамизда шундай соҳибкорлар борки, улар етиштираётган ҳосилни кўриб ҳайратга тушасан. Айрим хўжаликларда эса боғ иккинчи даражали соҳа ҳисобланади. Унга соҳибкорликдан хабари борми, йўқми, бунисига эътибор бермай, одамларни биркитиб қўяверишади. Оқибатда боғнинг даромади ҳеч кимнинг кўзига кўринмайди. Ҳатто шундай ўйлайдиган кишилар ҳам борки, токлар вақтида суғорилиб, вақтида хомток қилиб турилса ҳосил бераверади, деб ҳисоблайдилар.

Масалан, бир туп токнинг ҳосилини йиғиштириб олгандан кейинги кўриш муддати, кўриш олдидаги парвариш, уни бажариш агротехникаси, баҳорда очиш, кўтариш муддатлари, навдаларни тараш, суғориш, озиқлантириш, хомток қилиш, ҳашаротга қарши кураш, ҳосилни етилтириш ҳамма-ҳаммасининг муддати бор. Уларнинг ҳар бири ўз муддатида, агротехника қоидаларига амал қилинган ҳолда ўтказилиши керак. Бу ишлар мутахассис кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жойжойига қўйиш билан боғлиқ масаладир. КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида ана шу масалага катта эътибор жалб қилинди.

Область партия комитети, район партия комитети ва область, район, қишлоқ хўжалик бошқармалари бизнинг ихтисослашган совхозимизни мутахассис кадрлар билан таъминлаш ишига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Чунки, хўжалигимизга мутахассис кадрлар жуда керак. Кузда 200 гектар майдонга 400 минг туп узум кўчати ўтқазамиз. Келаси йилдан алоҳида-алоҳида бодомзор, ёнғоқзор, анорзор, анжирзорлар барпо қиламиз ва улар қисқа муддатларда ихтисослашган алоҳида бригадалар бўлиб шаклланади. 6 гектарлик теплица хўжалиги ташкил этамиз. Бу ҳам алоҳида бригада бўлиб қолади. Ю юмушларни бажариш, тўғри йўналтириш, ҳосилдорлигини муттасил ошириб бориш учун жуда кўп қишлоқ хўжалиги мутахассислари керак.

Май Пленуми қарорларида қишлоқларда социал-маиший турмуш шароитларини яхшилаш тадбирлари белгиланган эди. Айниқса, қишлоқ ва посёлкаларни қуриш ва қайта қуришнинг комплекс программаси хўжалигимиз меҳнаткашлари олдига жуда катта вазифаларни қўйди. Совхозимиз адир бағрида. Барча ишчилар ҳийла олисдаги қишлоқлардан қатнаб ишлайди. Ҳозирча турар жой биноларига эга эмасмиз. Барча майдонларимиз пасоблар ёрдамида сув ичади.

Яқин йилларда адир бағрида «Боғбонлар посёлкаси»ни қад кўтаради. Посёлка учун энг баҳаво жойдан 96 гектар майдон ажратдик. Фақат посёлка қурилиши учун 42 миллион сўм маблағ сарфланади. Турар-жой биноларидан ташқари мактаблар, болалар боғчалари, шифохоналар, магазин, ошхона ва чойхоналар комплекси, маиший хизмат кўрсатиш уйи қурилади. Совхоз ишчилари учун ҳамма шароит яратилади. 1985 йилга бориб хўжалигимиз 5—6 гектарлик лимонарийсига ҳам эга бўлади, узумзорларимизнинг ўзи 2 минг гектарга етади.

Юқоридаги кенг кўламли вазифаларни имкони борича қисқа муддатларда бажариш ва шу асосда халқимизнинг узум ва турли-туман меваларга бўлган талабларини қондиришга муносиб ҳисса қўшиш партиямиз даъватига бизнинг амалий жавобимиз бўлади.

С. МАҲБУБОВ.
Андижон районидаги «Известия» узумчилик-боғдорчилик совхозининг директори.

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Совет кишилари азалдан бир-бирларига ҳамкор-мددкор бўлиб келганлар. Улар ҳар жабҳада ўзаро социалистик мусобақа боғлаб, жонажон диёримиз тараққиётига ўз меҳнатлари билан муносиб улуш қўшиб келмоқдалар. Социалистик мусобақа моҳият-эътибори билан жуда катта мазмун ташкил этаётир. Ҳақиқий мусобақа кишиларимизни, коллективимизни, хўжаликларимизни бир-бирларига яқинлаштирмоқда. Ягона мақсад йўлида янада жипслаштирмоқда.

Тбилиси комволь-мовут комбинатининг моҳир тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Грузия ССР Олий Советининг депутати Вера Батуровна Кемашвили ва тошкентлик моҳир пахтакор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Турсуной Охунова социалистик мусобақа туфайли бир-бирларининг меҳнатлари, ижодлари, ташаббуслари, умумий ҳаётларининг барча қирралари билан яқиндан таниш бўлиб қолдилар. Улар дўстлик туфайли Ватан бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ўзларининг бунёдкорлик фаолиятларида бир-бирлари билан яқиндан фикр алмашиб туришни анъанага айлантиришга ахд-паймон қилдилар.

Яқинда Вера Батуровна Кемашвили республикамизнинг Турсуной Охунова ишлаётган Чиноз районидаги Киров номли колхозга ташриф буюрди. Грузиялик меҳмон колхоз пахтакорлари ҳаёти билан яқиндан танишди. Колхозчиларга ўз ишлари ҳақида муфассал гапириб берди.

Суратда: донгдор пахтакор Турсуной Охунова грузиялик дугонаси Вера Батуровна Кемашвили билан.

КАСБИМ—ФАХРИМ

Товуқ гўшти ва тухуми фақат озиқ-овқатгина бўлиб қолмай, чинакам доривор ҳам ҳисобланади. Агар бир оилада сермаҳсул 15—20 та товуқ бўлса, у ерда озиқ-овқат муаммосининг ярми ҳал бўлди, деган гап. Тиғиз пайтда тухум турли витаминлар ўрнини бемалол боса олади. Товуқ гўштини эса таърифлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Ўйингизда гўшт тугаб қолганда меҳмон келиб қолди дейлик. Икки учта қўйингиз бўлган тақдирда ҳам 1 килограмм гўшт учун уни сўйиб юбормайсиз. Агар 5-6 та товуғингиз бўлса, биттасини сўйиб, меҳмонни кўнгилдагидек қутатиб оласиз.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми тасдиқлаган СССРнинг Озиқ-овқат программасида мамлакатимизда паррандачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишга алоҳида диққат жалб қилинди. Унда паррандачилик муҳим, тармоқ эканлиги таъкидланди.

Ҳозирги кунда областимизда бир қатор паррандачилик комплекслари қурилиб ишга туширилди. Иккита паррандачилик фабрикаси ва битта насли паррандачилик репродуктори ишлаб турибди. Корхона ва ташкилотлар қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжаликларда паррандачилик етакчи тармоққа айланиб қолди. Ҳатто паррандачиликдан зарар кўраётган айрим хўжаликлар ҳам кейинги икки йил ичида уни рентабелли тармоққа айлантириб олдилар.

Паррандачилик комплексларини жадал қуриш ва ишга туширишда, товуқлар бош сонини кўпайтириш бу муҳим вазифа. Бироқ маҳсулдорликни ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ундан ҳам муҳим. Парҳез гўшт, тухум кўпайгани билан унинг таннархи камаймаса бу ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Партиямизнинг бу борадаги талаблари аниқ ва қатъий: яъни товуқ гўшти, тухуми кўп бўлсин, сифатли бўлсин ва арзон бўлсин.

Дилда бори тилга чиқади, дейдилар. Дарҳақиқат шундай экан. Ҳаракат қилинса изланилса, ҳаммасиям бўлаверади. Парҳез гўшти, тухум сероб бўлади, сифати яхшиланади, таннархи ҳам камаяди. Бунинг учун топширилган вазифага ишонч ва қатъият, масъулият ва жавобгарлик ҳисси билан ёндошилиш керак.

Мана, мен 16 йилдан бери паррандачилик фермасида ишлайман. Ишимни яхши кўраман, одамларнинг дастурхонини безаётганимдан қувонаман. Мақсадим битта —паррандачиликни имконияти борича ривожлантириш, маҳсулдорлигини муттасил ошириш.

Колхозимизда паррандачилик ўнинчи беш йилликда асосий тармоққа айланди. Товуқлар бош сони ҳам, маҳсулдорлиги ҳам кескин кўпайди. Ўтган беш йилликда икки беш йиллик планни бажардим. Планда кўзда тутилган 1 миллион 136 минг дона ўрнига 2 миллион 300 минг дона тухум олдим. Ўн биринчи беш йилликда ҳам икки беш йиллик миқдорида маҳсулот етиштириш мажбуриятини олдим.

1980 йилда ҳар бир товуқ ҳисобига 210 тухум олинган бўлса, ўтган йили бу рақам 222 таданни ташкил этди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрам қилинадиган йилда эса ҳар бир товуқдан олинадиган тухумни 230 таданга, яъни тухумни эса 350 мингтага етказамиз. 20 тонна парҳез гўшти етиштирамиз. Бу ўтган йилдагидан 12 тонна кўпдир.

Ҳозирги кунда серпушт, тухуми йирик товуқ наслларини саралаб олганмиз. Маҳсулдорликни кескин кўпайтиришнинг сири нимада, деб сўрашлари ҳам мумкин. Унинг сири оддий ва жўн: товуқларни тўғри, вақтида тўйимли озуқа билан озиқлантириш, ветеринария кўригидан мунтазам ўтказиб туриш.

Товуқ ниҳоятда нозик жонзот бўлади. Агар биронтасига касаллик юқдими, бир кун ичида кўлчилигига юқади. Шунинг учун ҳар ҳафтада кўрикдан ўтказамиз. Бундан ташқари ҳар ҳафтада паррандачилик фермасида санитария кунини ўтказамиз. Ҳаммаёқ тозаланади.

Алоҳида иссиқхона қурганмиз. Унинг афзаллиги шунда кўриняптики, қиш мавсумида ҳам товуқларнинг маҳсулдорлиги камаймаяпти. Семириш даражаси ҳам, тухум бериши ҳам худди ёз ойларидагидек бўлаяпти. Шундай пайтда ҳам товуқларни кўк ўт билан таъминлаяпмиз.

Узлуксиз тухум тугиш ва унинг сара бўлиши товуқ организмидаги витаминларнинг етарли бўлишига боғлиқ. Ҳозирги кунда ҳар бир товуққа 120 граммдан ем бераяпмиз. Емнинг витаминлигини ошириш мақсадида алоҳида мослаштирилган идишларга қалин қилиб бугдой ивитяпмиз. Улар кўкариб худди сумалак тайёрлаш даражасига етганида, яъни оқсиллик даражаси энг кўп миқдорга етганида қириб товуқларга берилади. Бундай сунъий тайёрланган емнинг тўйимлилик даражаси бошқа турдаги емларга нисбатан 1,5 баравар ошиқ бўлади. Булардан ташқари сўндирилган оҳак, карьердан тош парчалари келтириб бераяпмиз. Ҳар куни 2 граммдан балиқ суягидан тайёрланган ун қоришмаси берамиз.

Катта товуқларга ҳар куни уч маҳал ем берилади. Берилажак ем ва ўтнинг 40 процентини кечки пайт берамиз. Шундай қилинганда озуқа тез ҳазм бўлади, тухумнинг тез етилишига сабаб бўлади. Чунки товуқ тунда кўп ҳаракатланмайди. Натижада озуқа калорияси пушт йиғишга ва тухум етилтиришга сарфланади. Жўжаларни эса суткасига 6 маҳал озиқлантираман. Кунига 1,7-1,8 минг дона тухум олаяпман. Бу йил ҳам 5 ойда тухум етиштириш ва тайёрлаш бўйича йиллик планни бажардик. Ҳозир 1983 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқдамиз.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари, менда чуқур таассурот қолдирди. 1983 йил 1 январдан бошлаб чорва маҳсулотлари давлат харид нархларини ошириш тўғрисидаги масала ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

«Партия билан давлатнинг ўн биринчи ва ўн иккинчи беш йиллиқдаги марказий вазифаси —озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга ҳар бир республика, ўлка, область, район, халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғи, шаҳар ва қишлоқдаги барча меҳнат коллективлари имкони борича кўпроқ ҳисса қўшишлари лозим», дейилади КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорида.

Партиямизнинг бу ҳаётбахш даъвати бизни янги марраларга руҳлантириб турибди. Мен товуқ гўшти, тухум етиштириш бўйича 1983 йил план топшириқларини ҳам 1982 йилда ошириб бажараман. Ўн биринчи беш йиллиқда эса икки беш йиллик топширғини адо этаман.

А. ПАРПИЕВ,
Тўрақўрғон районидаги Карл Маркс номли колхоз паррандабоқари.

СЎТАЛАР ТЎҚ БЎЛАДИ

Қизилтепа районидаги «Москва» колхозининг Соҳиб Шодиев бошлиқ бригадаси маккажўхори майдони ҳиёбонни эслатади. Бўйи 2 метр келадиган маккажўхори пояларидаги олтин сўталарда мўл ҳосил етилмоқда. Бригаданинг 140 гектар майдонига маккажўхори экилган. Деҳқонлар ҳар гектар майдондаги маккажўхоридан 120 центнердан дон етиштириш мажбуриятини олдилар.

Экинлар тўрт марта культивация қилинди. Зарур миқдорда минерал ўғит билан озиқлантирилди. Механизаторлардан К. Жабборов ва Р. Шодиевлар экинларга зарар етказмаслик учун тракторлар ва культиваторларга махсус шчётка ўрнатдилар.

Ҳозирги вақтда деҳқонларнинг бутун фикри-зикри бўлгуси ҳосилни йиғиштириб олишни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга қаратилган. Комбайнларни ремонт қилиш ва созлаш ишлари тугалланди. Илгор деҳқонларга бошқа хўжаликларнинг коллективлари тенглашмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ЭРТАНГИ КУННИ ЎЙЛАБ

Бўз районидаги хўжаликлараро чўчқачилик комплексининг янги посёлкасида барча коммунал-маиший қулайликларга эга бўлган дастлабки уйлар қад кўтарди.

Комплексда чорвадорларнинг самарали ишлашлари ва хордиқ чиқаришлари учун қулай шароитлар яратилмоқда. Коллектив областда биринчи бўлиб давлатга гўшт топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Бу ерда бир йил ичида чўчқалар сони олти баравар кўпайди. Чорвадорлар ҳашар йўли билан 500 бош чўчқа боқишга мўлжалланган иккита чўчқахона қурдилар. Қурилиш давом этмоқда — чўчқалар учун яна 20 та шинам бинолар қуриш мўлжалланмоқда.

Комплексда маккажўхори, беда ва сорго етиштириш билан шуғулланадиган ихтисослаштирилган бригада ташкил этилди.

(ЎзТАГ муҳбири).

МЕҲНАТ СУРОНИ

РЕПОРТАЖ

Саратон қуёши иссиғидан атроф қизиб кетган. Кенг ястаниб ётган бедазорда эса меҳнат авжида. Озуқа ўрниб-йиғаётган техника садоси олисларга таралади. Иккита «КИР-1,5» маркали агрегат бир-биридан муайян масофада майдон бўйлаб ҳаракат қиляпти. Димоққа янги ўрилган беда ҳиди урилади. Даланинг кеча ўрилган қисмида бир неча косилка тележкаларга намҳуш бедани жойламоқда. Нарироқда қатор турган бошқа тележкалар ҳам кўзга ташланади.

Биз Китоб районидаги «Зарафшон» совхози бедазорларида бўлганимизда, ана шундай манзаранинг гувоҳи бўлдик. Қаеққа қараманг, исиққа парво қилмай ишлаётган кишиларнинг қизғин меҳнати устидан чиқасиз. Шу кунларни ғанимат билган фидокор озуқакорлар кўпроқ ем-хашак тайёрлаш учун сурҳатни бир зум ҳам бўшаштирмаётирлар.

Совхоз чорвачиликка ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобланади. Кейинги даврда бу соҳани рентабелли тармоққа айлантириш, чорва моллари туёқ сонини кўпайтириш ва маҳсулдорликни ошириш учун бир қатор тадбирлар белгиланди.

Чорва қишловини яхши ўтказиш учун аввало мўлкўл ем-хашак жамғариб қўйиш зарур. Зеро, мўл жамғарилган, ширали ва тўйимли ем-хашак қишловни тўқ ўтказишни таъминлабгина қолмасдан, моллар маҳсулдорлигини ошириш, бўрдоқига боқилаётган қорамолларнинг қишда ҳам семиришига эришиш, сигирлардан кўп сут согиб олишни таъминлаш имконини беради.

— Совхозимизда ем-хашак тайёрлашга алоҳида эътибор бериляпти, — дейди биз билан суҳбатда совхоз директори Т. Сирожов. — Юбилей йилида 14000 тонна дағал хашак тўплашга, хандақларга 4100 тонна сенаж, 7500 тонна силос бостиришга, 3650 тонна сомон, 500 тонна янтоқ ва табиий пичан жамғаришга, 200 тонна беда уни тайёрлашга бел боғлаганмиз.

Ёз ойларида кўпроқ ем-хашак жамғариш учун барча имкониятлардан фойдаланиш, айниқса, муҳим. Чунки бу йил кўкламда ёғингарчилик кам бўлди. Натижада табиий ўтлар яхши ўсмади. Шунинг учун совхозда тузилган 4 та озуқа етиштириш ва бита зарбдор бригада етарли ишчи кучи ва техника билан таъминланиб, унумли ишлашлари учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Улар адирлик ён бағирларидаги, дарё ва йўл бўйларидаги ўт-ўланлардан ҳам озуқа тайёрламоқдалар.

— Ем-хашак мўл-кўллиги беда, маккажўхори экинлари ҳосилдорлигига узвий боғлиқ, — дея давом этди директор. — Уларни ўз вақтида юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилиш, нобудгарчиликка йўл қўймай, ўриб-йиғиб олиш шу кунинг энг муҳим вазифасидир. Биз 502 гектар майдондаги бедани камида 5—6 марта ўриб олишни мўлжаллаганмиз. Айни пайтда бедазорларда учинчи ўрим уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Унда 5 та косилка, 2 та КИР-1,5 маркали ўт ўриш агрегати, 30 та тележка ва етарли ишчи кучи иштирок этаётир. Ўримдан сўнг бедазорлар озиқлантирилиб, борона қилиняпти ва дарҳол суғорилмоқда. Чунки сув тараш кечикса, беда сийраклашиб, ҳосилдорлиги пасайиб кетиши мумкин.

Совхозда озуқабоп экинларни янада кўпроқ тайёрлаш ниятида барча резервлар ишга солинмоқда. Суғориладиган майдонлардаги ғалла ўриб-йиғиб олиниши биланоқ шудгор қилиниб, такрорий маккажўхори экиляпти. Бу экин чорва қишловни учун сифатли ем-хашак бўлиши билан бирга молларни куз фаслида ҳам ширали, витаминга бой кўк озуқа билан боқиш имконини беради.

Зиммага олинган мажбуриятларни ортиғи билан бажариш, шунингдек кўп миқдорда гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштириш учун совхоз ишчилари ем-хашак жамғаришни жадал суръатларда давом эттиряптилар.

Н. АБДУЛЛАЕВА,
Э. ИБРОҲИМОВ.

Поп районидаги «Партия XXII съезди» колхозида чорва қишловига озуқа жамғариш қизғин олиб бориляпти. Чорвадорлар шу кеча-кундузда жўхори ўримини жадал суръатларда ўтказиш-моқда. Хўжаликда ҳар гектар ердан 500 центнердан кўкпоя олиш мўлжалланмоқда.

Суратларда: 1. Бош агроном Раҳматжон Мирзаахмедов (чапда) колхоз раиси Абдулҳафиз Мамадалиев ва ем-хашак бригадаси бошлиғи Носирали Тожибоевлар жўхори кўкпоясини кўздан кечиришмоқда. 2. Жўхори ўрнининг бориши.

Ж. Тўраев фотолари.

БРИГАДАНИНГ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИГИ

Меҳнатобод районидаги «Янгиер» совхозидан Рабимқул Ҳоназаров бошлиқ бригада дала шийпони яқинида кичикроқ молхона қад кўтарди. Молхона ҳашар йўли билан қурилди. Бригада ёрдамчи хўжалик учун 2 та сигир, 4 та қўй, 20 ўрдак сотиб олди. Бу ерда коллектив аъзоларини сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси амалий жиҳатдан ҳал этилган.

Бригаданинг дала шийпони атрофида боғ барпо этилаб, бу ерда полиз экинлари экилган, ҳозир помидор, бодринг, сабзи етилди, қовун-тарвузлар шарбат тўпламоқда.

Совхознинг барча бригадаларида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишга қарор қилинди.

МУРАББИЙНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Гулистон районидаги «Коммуна» колхозининг сут согувчилари ўз касбдошлари ва мураббийлари Холниса Жўраевани меҳнат ғалабаси билан қизғин табрикладилар. Холниса опа беш йиллиқнинг иккинчи йили учун ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажарди.

Холниса опа 35 йиллдирки, колхозда сут согувчи бўлиб ишлайди. У кўплаб қизларга маҳорат сирларини ўргатди. Х. Жўраева бу йил планга қўшимча равишда ҳар бир сигирдан 1100 килограмм сут согиб олиш тўғрисида янги мажбурият қабул қилди. (ЎзТАГ муҳбири).

АДАБИЁТИМИЗ ТАРҒИБОТЧИСИ

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

Мана. эллик йилдирки, «Шарқ юлдузи» журнали суюкли диёримиз ва адабиётимизнинг яқин кўмакчиси, меҳнаткаш дастёри бўлиб келмоқда.

1932 йил июнь ойида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи — «Шарқ юлдузи» журналининг биринчи сони нашрдан чиққанди.

Журнал дастлабки пайтларда «Қурилиш», «Ўзбекистон шўро адабиёти», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1946 йилдан бошлаб эса «Шарқ юлдузи» номи билан чиқа бошлади.

Ўзбекистонда социалистик ҳаёт тарзининг қолоқ феодализм ва капиталистик ҳаёт тарзига қарши курашда мустаҳкамланиши журналнинг қиёфасини ҳам белгилаб берди. Уни янгича ҳаёт тарғиботчисига айлантирди.

Ярим асрдирки, журнал Ўзбекистон адабий ҳаракати ва маданий ҳаёти тараққиётида фаол қатнашиб келмоқда. СССР Давлат мукофотининг лауреати, академик ёзувчи Ойбек, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, талантли драматург, жамоат арбоби Комил Яшин ва бошқа атоқли адиблар турли вақтларда «Шарқ юлдузи» журналига муҳаррирлик қилишди.

«Шарқ юлдузи»нинг «бешигини тебратган» Гафур Ғулом, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир, Ғайратий, Назир Сафаров каби катта авлод вакиллари билан бирга унинг саҳифаларида Зулфия, Шароф Рашидов, каби қатор қобилиятли ижодкорларнинг асарлари ҳам босилиб, ўзбек китобхонига етказилди.

Журналнинг омма ўртасидаги ижтимоий-бадиий қиёфасини юқорида тилга олинган ёзувчи ва шоирлар, публицист ва драматурглар ижоди намуналари ҳамда бошқа юксак маҳорат билан ёзилган асарлар белгилаб берди. Айни чоғда унинг журналхонлар ўртасида обрў-эътибор, шуҳрат қозонишига сабаб бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг раҳбарлиги остида «Шарқ юлдузи» журнали коммунизм ғояларини амалга оширишда, идеологик жабҳада кучли қуролга айланди.

Журнал ўз мавқеи, вазифаси ва руҳи билан интернационалист, урушга қарши жаҳонда тинчлик, халқлар дўстлиги тарғиботчисидир. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари прогрессив ёзувчиларининг конференциялари ва республикамиз пойтахтида ўтказилган Халқаро кинофестивалларда фаоллик кўрсатиб, ўша конференция ва кинофорумлар ҳужжат ҳамда материалларини кенг ва атрофлича тарғиб қилди.

Журнал ўз фаолияти мобайнида кенг ўқувчилар оммасини жаҳон, рус ва СССР халқлари адабиётининг энг яхши намуналари билан таништириб борди. Адабиётни халқлар дўстлигини мустаҳкамловчи воситага қиёс қилишади. Руставели ва Пушкин, Лермонтов ва Некрасов, Чехов ва Мопассан, Горький ва Янка Купала, М. Шолохов, А. Фадеев ва Самад Вурғун каби ёзувчиларнинг энг яхши асарлари ўзбек хонадонига дастлаб «Шарқ юлдузи» журнали орқали кириб келди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев нинг совет адабиётида жиддий воқеа бўлган «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» ва «Эсдаликлар» каби ўзига хос сиёсий ва фалсафий насрий асарлари «Шарқ юлдузи» саҳифаларида босилиб, журналхонлар эътиборига ҳавола қилинди. Л. И. Брежнев асарлари, Ш. Р. Рашидовнинг романлари, хилмахил назарий ҳамда публицистик мақолалари босилиши журналнинг ғоявий ва бадиий камолатига катта таъсир кўрсатди.

Адабиётимизнинг келажаги ёшларга боғлиқ. Журнал редакцияси коллективи буни яхши тушунади. Шунинг учун ҳам ёш ижодкорлар билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бориш, улар асарларини чоп этиб туриш журнал фаолиятида кенг ўрин тутади «Ёшлар ижодидан» рубрикаси остида адабиётимиз навқирон авлоди вакилларининг турли жанрдаги асарлари вақти-вақтида эълон қилиб борилади.

Саноатда, қишлоқ хўжалигида, пахтазор ва яйловларда — халқ хўжалигининг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилаётган замонамиз қаҳрамонларининг жасоратини ёрқин образларда акс эттиришда воқеий прозанинг аҳамияти катта. Бинобарин, журналнинг деярли ҳар бир сонида «Съезддан — съездгача», «Беш йиллик қаҳрамонлари», «Ёзувчи ва беш йиллик» рубрикалари остида публицистик мақолалар ва очерклар тез-тез босилиб турибди.

Ўз-ўзидан равшанки, ўзбек совет адабиёти ва санъатининг тараққиётини адабиётшунослик, санъатшунослик ва танқидчиликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам янги адабиёт, санъат асарларига тақризлар, кенг ва чуқур тадқиқ этувчи мақолалар журналнинг ҳар бир сонида бўлади.

Севимли, қадрдон журналимиз ўтган 50 йил мобайнида ўз саҳифаларида қанчадан-қанча асарлар босди. Кўплаб янги номлар кашф этди. Актив, серқирра фаолияти билан меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшди. У кўп миллатли совет адабиёти хазинасини шубҳасиз бойитди, ўз ўқувчиларининг севимли журналига айланди. Ана шундай хизматлари учун ҳам СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи — «Шарқ юлдузи» журнали Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди. Шунинг ўзи ҳам, шубҳасиз, партия ва ҳукуматимизнинг Ўзбек совет адабиёти ҳақида қилаётган катта ғамхўрлигидан далолатдир.

Журнал редакцияси ижодий коллективи катта истиқбол орзулари билан яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Журналхонларнинг бадиий адабиётга бўлган астойдил муҳаббатига, тобора ўсиб бораётган талаб ва дидига мос юксак ғоявий-бадиий асарлар танлаш ҳамда ўқувчилар эътиборига ҳавола қилиш ана шу истиқбол режаларининг таркибий қисмини ташкил этади. Ишончимиз комилки, журнал бундан бўён ҳам актив муаллифлар, ёзувчилар жамоатчилигининг ёрдами билан совет кишиларининг юксак идеаллари, заҳматкаш пахтакор ва механизаторларнинг ибратли фазилатлари ва меҳнат жасорати ҳақида кўплаб бадиий асарларнинг яратилиш ташаббускори бўлаверади.

С. АНОРБОЕВ,
«Шарқ юлдузи» журнали проза бўлимининг мудири.

Сирдарё область Комсомол районидаги «Москва» совхозида кўсак қурти, шира ва бошқа зарарли ҳашаротларга қирон келтирувчи фойдали ҳашаротлар етиштирадиган биофабрика ишга тушди. Бу ерда трихограмма ва габробракон етиштирадиган тўртта механизациялаштирилган линия мавжуд. Биофабрикада етиштириладиган фойдали ҳашаротлар ёрдамида 40 минг гектар майдонга биологик усулда ишлов бериш мумкин.

Суратда: биофабриканинг катта лаборанти Райҳон Холматова ва бош агроном Ҳусан Норбосвлар трихограмма тухумини кўздан кечирмоқдалар.

Р. Нуритдинов фотоси. (ЎзТАГ).

Спорт

ФУТБОЛ

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРМАДИ

Жаҳон чемпионати муносабати билан олий лига командалари ўртасидаги танаффус тугагандан кейин бўлиб ўтган уч учрашув натижаси ҳақида хабар берган эдик. Мазкур турнир бошқа ўйинлари ҳам қизиқарли курашлар остида ўтиб, командалар ғалаба қозониш учун бор маҳоратларини намойиш этишди.

Биринчилик пешқадами — Ереваннинг «Арарат» ва Москванинг «Спартак» коллективлари ўртасидаги учрашув томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Бунда рақиблар 90 минут давомида чиройли комбинацияларга бой ўйин кўрсатишди. Биринчи бўлиб майдон эгалари муваффақиятга эришдилар. Дасаев дарвозасига киритилган тўп автори Оганесян бўлди. Шундан сўнг спартакчилар мағлубиятдан қутилиш учун актив ҳаракат қилишди. Ниҳоят Черенков томонидан йўналтирилган тўп дарвоза тўрига келиб тушди. Шундай қилиб, ажговар курашлар остида ўтган учрашув 1:1 ҳисобида тугаб, рақиблар очколарни бўлишиб олишди. Мажкур дурангдан сўнг очколар сонини 20 тага етказган «Арарат» командаси футболчилари пешқадамлик мавқеларини сақлаб қолдилар.

Турнир жадвалининг иккинчи поғонасини банд этиб турган Минскнинг «Динамо» коллективи ҳам бу турда ғалаба қозонди. Минсклик футболчилар Кутаисининг «Торпедо» командаси билан бўлган қийин учрашувда 3:2 ҳисобида ютуққа эришишди. Эндиликда динамочилар тўплаган очколар сони 19 тага етди.

Пешқадамлар сафида бораётган Харьковнинг «Металлист» командаси Москвада ЦСКА футболчилари билан куч синашди. Бу ўйин тақдирини армиячилар томонидан киритилган ягона тўп ҳал қилди.

«Пахтакор» командаси футболчилари ҳам бу турда муваффақиятсиз қатнашдилар. Улар Одессада маҳаллий «Черноморец» коллективининг меҳмони бўлишди. Учрашувни ташаббускорликда ўтказган майдон эгалари рақиблари дарвозасига уч тўп киритишди. Пахтакорчилар бунга бир тўп билан жавоб бера олишди, холос. Бу «Черноморец» командасининг чемпионатдаги иккинчи ғалабаси, пахтакорчиларнинг эса учинчи мағлубияти бўлди.

Бошқа учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: «Динамо» (Киев) — «Қайрат» (Олмаота) — 3:0, «Зенит» (Ленинград) — «Нефтчи» (Боку) — 1:1, «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Москва) — 1:0. Энди эътиборингизга командаларнинг турнир жадвалида тутган мавқеини ҳавола этамиз.

	Ў	Т	О
«Арарат»	15	21-15	20
«Динамо» Мн	13	21-14	19
«Металлист»	14	15-10	16
«Пахтакор»	14	13-13	16
«Динамо» Тб	12	21-18	15
«Динамо» К	12	18-8	15
«Спартак»	13	17-10	15
«Кубань»	13	20-17	14
«Нефтчи»	14	20-24	13
«Динамо» М	14	16-17	12
«Торпедо» М	13	10-11	12
«Қайрат»	14	15-21	12
«Зенит»	13	11-11	12
«Днепр»	14	14-20	12
ЦСКА	13	13-18	11
«Черноморец»	14	12-15	11
«Торпедо» Кт	14	16-23	9
«Шахтёр»	13	9-17	8

ЧИМ ХОККЕЙ

СОВРИНЛИ ЎРИННИ КЎЗЛАБ

Айни кунларда мамлакатимизнинг турли шаҳарларида III Бутуниттифоқ спорт ўйинлари программасидаги мусобақалар давом этмоқда.

Москвада қизлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган саралаш бахсларида республикамиз спортчиларн муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилишмоқда. Ўзбекистон терма командаси қизлари ўз группаларида кетма-кет тўртинчи ғалабани қўлга киритишди. Бу сафар улар молдавиялик дугоналарини 3:0 ҳисобида енгишди. Ўсмирларимиз ҳам шу куни молдавиялик тенгқурлари билан учрашиб 16:1 ҳисобида голиб чиқишди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ИСРОИЛ БОСҚИНЧИЛАРИНИНГ ТАЛОФОТЛАРИ

Шу кунларда Ғарбнинг бошқа ахборот агентликлари каби Рейтер агентлиги ҳам тарқатаётган хабарларда Исроил ва Сурия ўртасидаги ҳарбий ҳаракатлар ҳақида ҳеч нарса ёзмаяпти. Ана шу ахборотларда Сурия қўшинларининг талофотлари ҳақида ҳеч нарса ёзилмаяпти. Бу шаҳар Шатт-ал-Араб дарёсининг нариги соҳилида жойлашган. Теҳрон радиосининг хабарида айтилишича, ҳужум операцияси чоғида Ироқнинг 400 га яқин ҳарбий хизматчилари асир қилиб олинган. Ироқ ҳарбий ҳаво кучларининг тўрт самолёти уриб туширилган. Эронликлар босиб олинган марраларда мустаҳкамланаётиб, бошқа йўналишларида ҳам ҳужумни авж олдириб бормоқдалар. Басрадан 60 километр шимолда ҳам жанглар бўлмоқда.

БАҒДОД. Ироқ қуролли кучлари Эрон армиясига қарши ҳужум қилдилар, деди Ироқ мудофаа министри генерал А. Хайрулла ИНА агентлиги мухбири билан қилган суҳбатида. Басрадан шарқда бўлган жангларда душманга оғир талофотлар етказилди, деди у.

Ироқ самолётлари Форс кўрфазидаги Харк оролида Эроннинг нефть ортувчи иншоотларига, шунингдек Эрон территориясидаги бир қанча объектларга зарбалар бердилар.

НЬЮ-ЙОРК. БМТ хавфсизлик кенгашининг раиси Н. Синклер (Гайана) Эрон билан Ироқ ўртасидаги можаро кескинлашиши муносабати билан кенгаш аъзолари ўртасида шошилинч маслаҳатлашувлар ўтказишни тайинлади.

Илгари хабар берилганидек, хавфсизлик кенгаши бундан аввал резолюция қабул қилиб, иккала томонни уруш ҳаракатларини тўхтатишга ва қўшинларни халқаро кўламда тан олинган чегараларга чекинтиришга даъват этган бўлсада, Эрон бу резолюцияни бажаришдан бош тортди.

ПАРИЖ. «Қимматга тушувчи ва кўп кишиларнинг ёстиғини қуритувчи урушнинг давом эттирилиши Эрон билан Ироққа жиддий зиён етказади, деб ёзади «Юманите» газетаси. — Бу уруш Яқин Шарқдаги кескинликни кучайтиради. Исроил ҳарбийлари Ливанга бостириб кириб, Фаластин Озодлик ташкилотини ва Ливан миллий ватанпарвар кучларини йўқотишни мақсад қилиб қўйган бир пайтда у айниқса фожиалидир».

Я. АРАФАТНИНГ МАКТУБИ

ДАМАШҚ. (ТАСС). Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафатнинг Сурия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросига йўллаган мактубида бундай дейилади: Америка маъмурияти ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан ҳаддан ташқари кўп ёрдам бермаганида Исроил Ливанга қарши агрессия қилолмас эди. Вашингтон, деб таъкидлаб ўтилади мактубда, агрессорни энг янги қуроллар-яроғлар билан, шу жумладан ялпи қирғин қуролларининг тақиқланган турлари билан таъминлаб келмоқда.

Интервенциячилар ана шу ёрдамдан фойдаланиб, Ливан территориясининг бир қисмини ишғол этиб, Тир, Сайда ва Набатияни, 30 дан ортиқ қишлоқни ва Фаластин қочоқларининг 14 лагерини бутунлай яксон қилдилар. Қуруқликдан, осмон ва денгиздан ҳар куни ўққа тутиш натижасида неча минглаб тинч ливанликлар ва фаластинликлар ҳалок бўлди, неча юз мингларча киши бошпанасиз қолди. Ҳозирги вазият барча араблардан Исроилнинг босқинчилик ниятларига қаршилик кўрсатиш учун самарали тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади. Исроил ўзининг босқинчилик ҳаракатлари билан Фаластин Озодлик ташкилотини, Ливан ватанпарварларини йўқотиш, барча араб халқларини тиз чўкишга мажбур этиш ниятидадир. Бу эса Америка империализми ва сионизмнинг региондаги мақсадларига мос бўлиб тушади.

Я. Арафат Фаластин Озодлик ҳаракатининг жангчилари Ливандаги миллий ватанпарвар кучлар билан биргаликда исроиллик агрессор устидан тўла ғалаба қозонгунча курош олиб боравердилар, деб таъкидлади.

УРУШГА ҚАРШИ ФИЛЬМЛАР ФЕСТИВАЛИ

ТОКИО. (ТАСС). Токиодаги «Бунгэйдза» кинотеатрида «Бизлар иккинчи жаҳон уруши йилларидаги япон милитаризми ва курбонларининг кўз ёшини ва тўкилган қонни унутмаслигимиз керак!» деган шиор остида урушга қарши фильмлар фестивали бошланди. Япония пойтахтининг аҳолиси «Яшамоқ», «Окинава уйғунлиги» киноленталарини ва тараққийпарвар япон режиссёрлари яратган бошқа бир қанча фильмларни, шунингдек япон милитаризмининг ваҳшиёна характерини фош этувчи уруш йиллари ҳужжатли хроникаси фильмларини томоша қиладилар.

ОДАМЛАРНИ ЧАЛҒИТИШГА УРИНМОҚДАЛАР

АДДИС-АБЕБА. (ТАСС). Сомали маъмурлари Эфиопия қўшинлари гўё Сомали территориясига бостириб кирдилар, деб даъво қилган эди. Эфиопия ҳукумати бу даъвони қатъиян рад этди. Эфиопия ташқи ишлар министрлигининг бу ерда тарқатилган баёнотида бундай дейилади: ҳозирги уруш ҳаракатлари Сомали чегаралари доирасида, бир томондан, Могадишо режими қўшинлари билан иккинчи томондан, Сомалини қутқазиш демократик фронти отрядлари ва бу мамлакатдаги бошқа ички кучлар ўртасида олиб борилмоқда. Сомалидаги воқеалар учун жавобгарликни Эфиопия зиммасига юклаш йўлидаги уринишлар, деб таъкидлаб ўтилади ҳужжатда, пропаганда мақсадларини кўзда тутади ва жаҳон ҳамда Африка жамоатчилигини чалғитиш, Сомали халқининг диққат эътиборини мамлакат ичкарисидаги кескин тус олган проблемалардан четга тортишга интилишдан бошқа бир нарса эмас.

Кузатувчиларнинг фикрича, Сомалининг Эфиопияга қарши ҳужумларини Африка Бирлиги Ташкилоти раҳбарларининг учрашуви арафасида Могадишо ҳукуматининг бесўнақай найранг ишлатишидан бошқа бир нарса эмас, деб баҳолаш керак. Бу ҳужумлардан кузатилган асл мақсад — Африка давлатлари назарида Эфиопия ҳукуматининг обрўйини тўкишдир.

Чет эл ахборот агентликлари ва матбуотининг хабар беришича, Сомали аҳолиси мамлакатдаги иқтисодий аҳвол мушкуллашганлиги ва ва маъмурларнинг регионда Вашингтоннинг милитарлаштириш тадбирларига ёрдам бераётганлигидан норозилик билдирмоқда. Бу ерда олинган хабарларга қараганда, мамлакатдаги оғир вазият кескинлашиб бормоқда. Могадишодан 400—500 километр шимолда ва шимоли ғарбда ҳукумат қўшинлари билан оппозициячи кучлар ўртасида шиддатли жанглар давом этмоқда.

Сомали маъмуриятлари мамлакатни қамраб олган халқ қўзғолонини бостиришга АҚШни бевосита жалб этиш учун эўр бериб уринаётганлиги муносабати билан ғарб ахборот агентликлари ва матбуоти Африка мустақил давлатлари районидаги можарони кенгайтириш хавфи кучайиб бораётганлигини таъкидлайди.



КАПИТАЛ ДУНЁСИДА

Англия полициясининг оддий меҳнаткаш халқ ўртасида монополияларнинг гумаштаси, зулм ва зўравонлик тимсоли сифатида ном олган. Ўзларининг демократик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кураш олиб бораётган меҳнаткашлар, жамиятнинг «ортиқча» кишиларига айлантирилган ҳамда иркчилик, миллий камситишларига қарши чиқаётган муҳожирлар полициячилар бебошлигининг қурбони бўлмоқдалар.

Суратда: полициячилар бебошлигининг қурбонларидан бирини кўриб турибсиз.

Камера Пресс—ТАСС фотоси.

КОСМОСНИ МИЛИТАРЛАШТИРИШГА ҚАРШИ

НЬЮ-ЙОРК. Ҳиндистон олими профессор Яш Пал космоснинг милитарлаштирилишига қатъиян қарши чиқди. Август ойида Венада БМТнинг космик фазодан тинчлик мақсадларида фойдаланишга бағишланган иккинчи конференцияси очилади. Яш Пал шу конференциянинг бош секретаридир.

Яш Пал БМТнинг штаб-квартирасида ўтказилган матбуот конференциясида сўзлаган нутқида қуролланишт пойгасини космосга татбиқ этиш йўлидаги уринишларни халқларнинг осойишталигини жиддий хавф остида қолдирибгина қолмай, балки космосда илмий тадқиқотлар ўтказишга ҳам тўсқинлик қилади, деб таъкидлади.

Космосни милитарлаштириш хатарли эканлиги тўғрисида докладда ҳам гапирилади. Тайёргарлик комитети бу докладни конференцияга тақдим этган. Халқаро конференция олдидан тайёргарлик космос фазони милитарлаштириш юзасидан кенг ҳажмли программа Пентагон томонидан амалга оширила бошлаган бир пайтга тўғри келди. Маълумки, кўп марта фойдаланиладиган «Колумбия» космик кемаси сўнгги марта учирилган пайтда Пентагон махфий ҳарбий ускуналарни синаб кўрган эди.

Америка матбуотининг хабарларидан маълум бўлишича, Пентагон ишлаб чиққан доктринага кўра, космоса уруш олиб боришнинг эҳтимол тутилган майдони деб қаралади.

ИРОҚ—ЭРОН МОЖАРОСИ

ТЕҲРОН. (ТАСС). «Жумҳурия исломи» газетасининг хабар беришича, Эрон қўшинлари Ироқ чегарасидан ўтиб, жанглар қилиб порт шаҳри Басрага яқинлашишларига 7 километр масофа қолган. Бу шаҳар Шатт-ал-Араб дарёсининг нариги соҳилида жойлашган. Теҳрон радиосининг хабарида айтилишича, ҳужум операцияси чоғида Ироқнинг 400 га яқин ҳарбий хизматчилари асир қилиб олинган. Ироқ ҳарбий ҳаво кучларининг тўрт самолёти уриб туширилган. Эронликлар босиб олинган марраларда мустаҳкамланаётиб, бошқа йўналишларида ҳам ҳужумни авж олдириб бормоқдалар. Басрадан 60 километр шимолда ҳам жанглар бўлмоқда.

БАҒДОД. Ироқ қуролли кучлари Эрон армиясига қарши ҳужум қилдилар, деди Ироқ мудофаа министри генерал А. Хайрулла ИНА агентлиги мухбири билан қилган суҳбатида. Басрадан шарқда бўлган жангларда душманга оғир талофотлар етказилди, деди у.

Ироқ самолётлари Форс кўрфазидаги Харк оролида Эроннинг нефть ортувчи иншоотларига, шунингдек Эрон территориясидаги бир қанча объектларга зарбалар бердилар.

НЬЮ-ЙОРК. БМТ хавфсизлик кенгашининг раиси Н. Синклер (Гайана) Эрон билан Ироқ ўртасидаги можаро кескинлашиши муносабати билан кенгаш аъзолари ўртасида шошилинч маслаҳатлашувлар ўтказишни тайинлади.

Илгари хабар берилганидек, хавфсизлик кенгаши

ҲАР ТЎҒРИДА

СИР АНИҚЛАНАРМИКИН?

Инглиз мутахассислари чуқур сув остида ишлаш имконини берадиган замонавий техника ёрдамида 1915 йили чўкиб кетган Британиянинг «Лузитания» кемаси сирини аниқлашга ҳаракат қилмоқдалар. Ниҳоятда катта бу кема немис торпедосининг зарбаси туфайли ишдан чиққан ва команда аъзолари ҳамда 1000 нафар йўловчиси билан сув остига чўкиб кетган эди. Германия ҳарбийлари бу пассажир кемаси қурол-яроғ ва ўқ-дори олиб кетаётган эди, деб тасдиқлашади. Инглизлар эса ундаги юк бор йўғи сарнёгдан иборат деб исботлашга уриндилар.

Тадқиқотчи-гаввослардан бири Жон Пирс журналистларга «Лузитания» кемаси ниҳоятда катта талофат кўрганлигини айтди. «Лузитания» қандай юк олиб кетаётганлиги аниқланармикин? Буни вақт кўрсатади.

ТЕАТР РЕКОРДЛАРИ

Дунёдаги энг катта театр Австралиянинг Перт шаҳрида жойлашган деб ҳисоблашади. Театр саҳнасининг майдони 1.148 квадрат метрни ташкил этади. Театр 8003 томошабинни сиғдира олади. Энг кичик театр эса Шотландиянинг Мал оролида бўлиб, у 36 томошабинга мўлжалланган.

* * *

Инглиз актёри Ричард Хирн (1909-1979 йиллар) шубҳасиз жуда узоқ ижодий биографияга эга. У биринчи бор олти ойлигида саҳнага чиққан, энг сўнгги ролини эса Лондондаги «Паладиума» театрининг саҳнасида 1977 йили ижро этган.

* * *

Томошабиларга кўрсатилган энг узун пьесалардан бирига «Адашганлар» деб ном берилган. Уни Нейл Орам ёзган, режиссёр Кен Кемпбел саҳналаштирган. Бу асар Лондондаги замонавий санъат институтида бор-йўғи бир марта қўйилган ва 18 соату 5 минут давом этган. Бош ролнинг ижрочиси Р. Дентон бутун вақт мобайнида қаттиқ саҳнада бўлган.

ШОВҚИНГА ҚАРШИ ЧОРА

Қоҳира дунёдаги энг шовқин-суронли шаҳарлардан бири деган ҳунук номга эга. Ҳар бир ҳайдовчи ҳадеб кўчаларда сигнал беравериши ўзининг вазифаси деб билади. Газеталар сотадиган болакайлар ва кўчада савдо-сотиқ билан шуғулланадиган атторлар бир-бирлари билан бақириб гаплашишга ҳаракат қиладилар. Бу шовқин-суронга аравалларга қўшилган узун қулоқ эшаклар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Кейинги пайтда дўконлар ва магазинларнинг эгалари радиокарнайлардан фойдаланишни йўлга қўйдилар. Радиокарнайлар шовқин солиб кўчакуйни бошга кўтариб «Дўконимизга ташриф буюринг», «Дилингизга ёққан нарсани сотиб олинг», — деган сўзларни ҳадеб қайтавераднлар.

Шаҳарда шовқин-суронинг ниҳоятда кучайиб кетганлигидан ташвишга тушган Қоҳира маъмурлари унга қарши кураш бошладилар. Радиокарнайлар мусодара қилиняпти ва уларнинг эгаларига жарима солинмоқда. Бироқ ҳайдовчиларни сигнал чалмасликка мажбур қилиб бўларми экан? Тажрибали кишилар ниҳоятда бўлмаса керак, дейишмоқда.

(ТАСС).

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА

19 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Магниткадан Амургача». Совет қўшиқларидан концерт.
10.05 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
11.05 Болалар учун фильм. «Капитан Энриконинг соати».
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ коммунистларининг ишлари ва ташвишлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси.
16.10 «Оналар мактаби».
16.40 С. Рахманинов. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 2-концерт.
17.15 «Аванте, камарада! Олга, дўстим!». Телевизион ҳужжатли фильм. Сиёсий шарҳловчи И. Фесуненко сўзи билан бошланади.
18.15 «Стадион ҳамма учун».
18.45 «Партия планлари — халқ планлари». Қишлоқда уй-жой қурилиши ҳақида. Саратов области мисолида.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва техника» киножурнали.
19.40 К. Симонов. «Рус кишилари». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектаклининг давоми.
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси:
«Қадимий Владимир тупроғида»,
«Урал ўрмонининг эҳсонлари».

● МТ II

Профилактика муносабати билан душанба, 19 июль куни Марказий телевиденининг II программасида кўрсатувлар намойиш этилмайди.

● ЎзТВ I

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Ўрмон қўриқчилари», «Тугун кўтарган бола». Мультфильмлар.
18.30 «Кувноқ пионер ёзи».
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат».
19.30 «Ахборот». [рус.].
19.45 «Воротан қаньони». Фильм-манзаралар.
20.05 «Саньатга йўл». А. Островский номли Тошкент театр ва рассомчилик институти.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Саньатга йўл». А. Островский номли театр ва рассомчилик институти [давоми].
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Тиль ҳақида афсона». 1-фильм. «Класс кули». 1-серия.
23.35 Янгиликлар.

СЕШАНБА

20 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Халқаро конкурс лауреати Р. Хунцария чалади.
9.50 К. Симонов. «Рус кишилари». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли.
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 Литва телевидение студияси ҳужжатли фильмлари программаси:
«Клайпеда»,
«Каунас расмлар галереяси»,
16.05 Болалар учун фильм. «Зимородок».
17.30 Колумбия миллий балети артистларининг концерти.
18.05 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Оз бўлсину соз бўлсин».
18.35 Д. Кабалевский. С. Маршак таржимасида Шекспирнинг 10 та сонети. УССР халқ артисти А. Бойко қўйлайди. Одессадан олиб кўрсатилади.
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс жюри аъзоларининг чиқиши. Кўрсатувни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти, композитор Т. Н. Хренников олиб боради.
20.10 «Экранда — кинокомедия». «Биринчи қўлқоп».
21.30 «Время».
22.05 Останкино концерт студиясида С. Наровчатов поэзияси кечаси.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 Кабарда-Болқар АССР «Кабардинка» Давлат рақс ансамблининг концерти.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари». «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иш».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» [Киев] — «Динамо» [Москва]. Киевдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ II

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Қувноқ камалак». Фильм-концерт.
12.00 Абитуриентлар учун. «Иншони қандай ёзиш керак».
12.30 «Тил ҳақида афсона». 1-фильм. «Класс кули». 1-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Соябон». Мультфильм.
18.10 «Шоирлар — болаларга».
18.40 «Абитуриент—82». В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети [рус.].
19.10 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта. Тошкент экскаватор заводидан репортаж.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 Адабий альманах.
20.30 «Ахборот».
20.50 Қ. Юсупов концерти.
21.30 Москва «Время».
22.05 «Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси».
22.35 «Тиль ҳақида афсона». 1-фильм. «Класс кули». 2-серия.
23.50 Янгиликлар.

ЧОРШАНБА

21 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 М. И. Глинка номли Ленинград Давлат академик капелласининг концерти.
10.15 «Бремен созандалари», «Бремен созандаларининг изидан». Мультфильмлар.
10.55 «Биринчи қўлқоп». Бадиий фильм.
12.15 «Бугун боғда». Фильм-концерт.
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси:
«Ўз истеъдодингни топ»,
«Жазилбек ота».
15.55 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади.
16.55 «Объектив».
17.30 «Фан оламида». Микробиология.
18.00 «Горнчилар, қаердасиз!».
18.45 «Экономика тежамли бўлиши керак». Киров областидаги энг яхши хўжаликларнинг тажрибаси ҳақида.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Ёшлар адреслари». ВЛКСМ XIX съездининг делегати, Рязань областидаги «Покровский» совхозининг бош инженери В. Мешчеряков билан учрашув.
19.50 Польша Халқ Республикасининг миллий байрами — Тикланиш кунига. Кинопрограмма.
20.35 Зелена Гура шаҳрида совет қўшиқлари фестивали [ПХР].
21.30 «Время».
22.05 Совет спортчилари Олимпиада ўйинларида қатнаша бошлаганликларининг 30 йиллигига бағишланган спорт программаси. Олимпиадачилар билан учрашув. «Олимпиада, сен гўзалсан». Телевизион ҳужжатли фильм.
23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Менинг жонажон ўлкамда». Фильм-концерт.
19.00 Спорт ҳафталиги.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Синхрон сузиш бўйича СССР чемпионати. Тбилисидан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Учинчи ўлчаш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. «Уйга».

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Генерал Топтигин». Кўғирчоқ фильм.
11.45 «Бизнинг қўшиқларимиз». Фильм-концерт.
12.15 «Тиль ҳақида афсона». 1-фильм. «Класс кули». 2-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Тулкини миниб», «Қувноқ дельфин». Мультфильмлар.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка».
19.00 «Абитуриент—82». Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти.
19.30 «Ахборот». [рус.].
19.45 «Халқ контроли экрани» [рус.].
20.15 «Дарё ёқалаб». Катталар учун мультфильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР халқ артисти Саодат Қобулова куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Тиль ҳақида афсона». 2-фильм. «Яшасин, қашшоқлар». 1-серия.
23.35 Янгиликлар.

ПАЙШАНБА

22 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Тугай чалади [арфа]. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
10.05 Мультфильмлар программаси: «Фантазия», «Учувчи кема».
10.35 «Киносаёҳатчилар клуби».
11.35 «Н. Римский-Корсаков ўйида». Фильм-концерт.
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар программаси.
«Ҳамманинг эътиборидаги гигант кишилар»,
«Балли, хотин-қизлар».
«Эътиборингизни шунга жалб қиламанки...»,
«Сўнгги десант».
16.15 «Сен қонуни биласанми!».
16.55 Болалар учун фильм. «Қарға».
18.10 «Мамлакат далаларида». Олтой ўлкасида озуқа жамғариш ҳақида.
18.25 «Биргаликда аҳил оиламиз».
18.55 «Электро-82» халқаро кўргазмасидан репортаж. Кўрсатувда СССР электро-техника саноати министри А. И. Майорец иштирок этади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иш». «Муаммолар — изланишлар — ечимлар» туркумидан. Кўрсатувда СССР Гўшт ва сут саноати министри С. Ф. Антонов, СССР Балиқ хўжалиги министри В. М. Каменцев, СССР Сабзавот-мева хўжалиги министри Н. Т. Козлов, СССР Озиқ-овқат саноати министри В. П. Лепин, матлубот жамиятлари Марказий Союзи правлениесининг раиси А. А. Смирнов, СССР Савдо министри А. И. Струев ўртоқлар иштирок этишади. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради. Кўрсатув тугагач — Концерт.
21.30 «Время».
22.05 «Катта ёшдагилар учун контроль иш». 1-кўрсатув.
22.40 «Дунё воқеалари».
22.55 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Кубань Давлат казаклар хорининг концерти.

● МТ II

18.30 Янгиликалр.
18.45 5-«А»даги Кулибинлар». Илмий-оммабоп фильм.
18.55 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс қатнашчиларининг чиқиши.
19.40 «Талабларингизга биноан учрашувлар». Кўрсатувда СССР Қора металлургия министри И. П. Казанец, Рангли металлургия министри П. Ф. Ломако, металлургия саноати ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси И. И. Костюков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Азовсталь» заводининг пўлат қуювчиси Г. Я. Горбань ва бошқалар иштирок этади. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Тоғ паҳлавони». Телевизион ҳужжатли фильм [Испания].
21.30 «Время».
22.05 «Учинчи ўлчаш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. «Командирнинг соати».

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун фильм. «Яна бир қувончли кун».
11.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Саньат ғунчалари» [такрорий].
12.20 «Тиль ҳақида афсона». 2-фильм. «Яшасин, қашшоқлар». 1-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Юмронқозиқ ҳайвонот боғида», «Коля, Оля ва Архимед». Мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим».
19.00 «Доимо изланишда».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Шеърият билан учрашув». Н. Нарзуллаев.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбек куйларидан концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пахтакорларнинг шу куни ва доимо долзарб вазифалари».
22.25 «Тиль ҳақида афсона». 2-фильм. «Яшасин, қашшоқлар». 2-серия.
23.40 Янгиликлар.

ЖУМА

23 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Илмий-оммабоп фильмлар программаси.
10.15 «Мен ўз диёримни севаман». Фильм-концерт.
11.05 Болалар учун фильм. «Ёпиқ шаҳар».
12.15 «Музей ва кўргазма залари бўйлаб».
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 СССР Ҳарбий-Денгиз флоти кунига. «Океандаги вахта». Телевизион ҳужжатли фильм.
16.15 «Рус тили».
16.45 «Қўшиқларимиз сенга, мамлакат». Фильм-концерт.
17.10 «Подмосковье. Озиқ-овқат программаси амалда».
17.40 «Шахмат мактаби».
18.10 «Оддий мўъжизалар».
18.40 «Миср: йиллар ва муаммолар».
19.00 «Ўрмон қучоғида». Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Москва бўйлаб сайр». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.40 «Халқ чолғулари садолари». Зарбли асбоблар.
20.30 «Бешинчи баҳор». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 М. Горький номли Москва Бадиий Академик театрида ёш ишчилар, колхозчилар, студентларнинг СССР Москва Бадиий Академик театри ҳузуридаги В. Немирович-Данченко номли мактаб-студиясининг битирувчилари билан учрашуви.
23.00 «Дунё воқеалари».
23.20 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Киносаёҳатчилар клуби».
19.50 «Ерда, осмонда ва денгизда».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «1982 йил қушиқлари». Ереванда олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Учинчи ўлчаш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. «Трап қирғоқда қолади».

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун концерт [такрорий]
12.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
12.30 «Тиль ҳақида афсона». 2-фильм. «Яшасин, қашшоқлар». 2-серия.

* * *

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Айиқ ва қуён». Мультфильм.
18.05 «Шеърият дафтаридан». Ўткир Рашид.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби».
18.45 «Ахборот» [рус.].
19.00 «Ҳамкорлик шартномаси—амалда». «Тошкент тўқимачилик комбинати: реконструкция муаммолари». «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси ва Ўзбекистон телевиденининг биргаликдаги рейди.
19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Зенит» [Ленинград]. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот».
21.15 «Тоғ қўлларининг сири». Ҳужжатли фильм [«Узбектелефильм»].
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 Алп Жамол. «Ғизғизон». Телевизион минатюралар театрининг спектакли.
24.00 Янгиликлар.

ШАНБА

24 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Ереван шаҳар болалар бадиий коллективларининг концерти.
10.15 «Фёдор Трофимович ва бошқалар...». 3-кўрсатув. Кўрсатувда Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. Моргун иштирок этади.
10.45 «Спортлото»нинг 30-тиражи.
10.55 «Жаҳон халқларининг ижоди».
11.25 «Музей ва кўргазма залари бўйлаб».
12.00 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби. Тинч океан флотининг 50 йиллигига.
13.30 Болалар учун фильм. «Қуруқликдаги довул».
14.50 «Дунё воқеалари».
15.05 «Ҳайвонот оламида».
16.05 «Эртага — Савдо ходимлари куни». Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Савдо министри А. И.Струев иштирок этади.
16.30 «Табрикларимизни қабул этинг».
17.15 «Золушка». Мультфильм.
17.35 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Тула область партия комитетининг биринчи секретари Ю. Х. Юнак иштирок этади.
18.20 «Монт ориоль». Телевизион спектакль премьераси.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» [Москва] — «Динамо» [Киев]. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
23.50 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.25 Савдо ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси.
10.00 «Учинчи ўлчаш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. «Трап қирғоқда қолади».
11.15. «Тонгги почта» музикали программаси.
11.45 «Асли болаликдан». Р. Погодин. «Кешка ҳақида ҳикоялар».
12.30 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина.
13.40 «Халқ оҳанглари».

ЧЕЛЯБИНСК ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

14.00 Челябинск шаҳри ҳақида кинолавҳа.
14.10 «Инсон заводга — завод инсонга». Киноочерк.
14.30 «Биз Уралда яшаймиз». Концерт программаси.

* * *

15.00 «Қувноқ стартлар».
15.45 «Биз ёқтирган қўшиқлар». Телевизион музикали фильм. РСФСР халқ артисти Л. Гурченко иштирок этади.
16.25 «Инсон — ерга хўжайин». Кўрсатувни «Известия» газетасининг шарҳловчиси А. З. Ивашченко олиб боради.
17.30 «А. В. Нежданова уйида».
18.45 «Халқаро обзор».
19.00 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 1946 йил.
20.00 «Музикали киоск».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Тузатилган тўғри». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 «Ёвуз». Бадиий фильм.
11.45 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
12.15 СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига. «Денгизчилар мактаби». [рус.].
12.45 Ўзбекистон телевиденияси халқ чолғулари ансамбли ижросида ўзбек куйлари.
13.10 «Жанговар постда».
13.40 Савдо ходимлари кунига. «Табассум учун миллион», «Кичкинтой». Телефильмлар.
14.30 Шахмат мактаби.

* * *

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Фарзандим — жигарбандим». Й. Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 Қозоғистон ССР халқ артисти Гулзира Розиева куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
22.30 «Экранда — кинокомедия». «Маҳаллада дув-дув гап».
23.50 Кўрсатувлар программаси.

ЯКШАНБА

25 ИЮЛЬ
СССР ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ
САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Тоғлар ва чўллар қўшиғи». Фильм-концерт.
10.25 «Будильник».
10.55 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
11.55 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.
12.40 «Тонгги почта» музикали программаси.
13.10 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан».
13.25 «Музикали киоск».
13.55 «Қишлоқ янгиликлари».
14.55 «Флория Тоска». Музикали телевизион фильм премьераси.
16.50 Мультфильмлар программаси.
17.15 «Киносаёҳатчилар клуби».
18.15 «Бугун — СССР Ҳарбий-Денгиз флоти куни». СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, СССР Ҳарбий-Денгиз флотининг Бош қўмондони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Совет Иттифоқи флоти адмирали С. Г. Горшков сўзи.
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 СССР Ҳарбий-Денгиз флоти кунига бағишланган концерт.
20.00 «Бировнинг хати». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳозирги замонда ёзувчи». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, «Литературная газета»сининг бош редактори А. Б. Чаковский сўзи.
22.25 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс якунлари.
23.40 Янгиликлар.

● МТ II

12.15 Мунозара клуби.
13.15 Илмий-оммабоп фильм.
13.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
14.25 Останкино концерт студиясида юмор кечаси.
16.00 Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар.
16.30 Сиёсий қўшиқлар концерти.
18.05 «Мардлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия.
19.10 Осипов номли Давлат рус халқ оркестри солистлари квартетининг концерти.
19.30 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 1947 йил.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Қалбга яқин қўшиқлар».
21.30 «Время».
22.05 «Номаълум актёр ҳақида қисса». Бадиий фильм.
23.20 Велоспорт бўйича СССР чемпионати. Трекда мусобақа. «Крилатское» спорт комплексидан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо». ҚҚАССР ва Ўзбекистон ССР областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Самарқанд области [такрорий].
12.05 «Қувноқ стартлар».
13.05 «Уни капитан деб аташарди». Бадиий фильм.
14.30 «Оналар мактаби».
15.00 «Ўзбекистон спорти».
15.30 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун. «Ўйлаб топ». [рус.].
18.35 Бугун — Савдо ходимлари куни.
18.50 «Ёшлик» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Цирк, цирк, цирк».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Уринбой Нуралиев концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Шифокорлар саломатлик посбонлигида». Кўрсатувда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри А. Худойберганов иштирок этади.
22.35 «Омадли «Чўртан» командири». Бадиий фильм.
00.05. Кўрсатувлар программаси.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги

В. А. БИЛБАС НОМЛИ ТОШКЕНТ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

1982—1983 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, сув хўжалиги системаларидаги автомат қурилмаларни эксплуатация қилиш.

8-синфни битирган, 30 ёшгача бўлган гражданлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 3 йилу 10 ой.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: она тили (диктант), математика (оғзаки).

Ўрта мактабнинг 8-синфни «4» ва «5» баҳолар билан тамомлаганлар гидромелиорация ишларини механизациялаш ва сув хўжалик системаларидаги автомат қурилмаларини эксплуатация қилиш бўлимларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Шаҳодатномасида «3», «4» ва «5» баҳолари бўлган шахслар эса умумий тартибда кириш имтиҳонларини топширадилар.

Ўрта мактабнинг 10 ва 11-синфини тамомлаганлар II курсга қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 2 йилу 8 ой.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонларини топширадилар: она тили ва адабиёт (иншо), математика (оғзаки).

Кириш имтиҳонлари — 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Аризалар директор номига 31 июлгача (10—11-синфни битирганлар 14 августгача (қуйидаги ҳужжатлар билан бирга топширилади: маълумоти ҳақида шаҳодатнома ёки етуклик аттестати (асли), 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), соғлиги ҳақидаги справка (286-форма), меҳнат стажига эга бўлганлар меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан кўчирма топширадилар.

Паспорт, ҳарбий билет ёки қайд этилганлик ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Техникумга қабул қилинганлар умумий қондага асосан стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, 7-алоқа бўлими, Кольский переулоги, 1-уй (1«э», 17«э», 24«э»-автобуслар; 17, 18-троллейбусларнинг «Марказий статистика бошқармаси» бекати; 13, 22-трамвайларнинг «Гидромелиорация техникуми»; метронинг «Максим Горький» станцияси бекатлари). Телефонлар: 66-15-12, 66-06-47, 66-20-30.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги

АКАДЕМИК Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ Р. МУСАМУҲАМЕДОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

1982—1983 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум колхоз, совхоз, ўрмон хўжалиги учун махсус малакали мева-сабзавотчилик бўйича агрономлар, техник-механиклар, ўрмончилик хўжалиги техниклари ва техник-технологлар тайёрлайди.

Техникумга ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 10—11 синфни тамомлаганлар учун 2 йилу 6 ой, 8 синфни тамомлаганлар учун 3 йилу 6 ой.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади, ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳонлар топширадилар: 8 синфни тамомлаганлар она тили (диктант), математика (оғзаки), она тили (иншо), химия (оғзаки), механизация бўлими бўйича она тили (иншо), математика (оғзаки). Ўрта маълумотли шахслар: а) мева-сабзавотчилик ва мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўлимлари бўйича, ўрмон хўжалиги бўйича, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотидан демобилизация қилинганлар, иш стажига эга бўлган корхона, совхоз ва колхозлар йўлланмаси билан келганлар конкурссиз қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: аттестат, ёки гувоҳнома (асли), туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, паспорт шахсан кўрсатилади, соғлиги ҳақида справка (286-форма), 3х4 см. ҳажмда 4 фотосурат.

Етоқхона ва стипендия умумий тартибда белгиланади.

Адрес: Тошкент область, Тошкент район Кенсой поселкаси Тошкент шаҳридан «Табиат музейи ёнидан 105-автобусда «Кенсой» (техникум биноси), 107, 108-автобусларда «Шўро бозор» бекатигача борилади.

ҲУРМАТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН, 21-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—1983 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти 1962 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаб келади.

Малакали ишчилар тайёрлаш учун билим юртида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган: ўқув кабинетлари барча замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Танлаган касбингиз бўйича барча ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, касбингизни пухта эгаллашга имкон беради. Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул иссиқ овқат, кийим бош ва ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фото тўгарак, спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси секциялари мунтазам ишлаб туради. Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар.

Билим юртини «аълю» баҳоларда тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш муддати 2 ва 1 йил. 3 йиллик группаларга 8-синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10-синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Билим юртида қуйидаги касбларни эгаллашингиз мумкин: кичик ветеринар фельдшери, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар, кенг ихтисосли тракторчи-машинистлар. Шофёрлик, автослесарлик-тракторчилик гувоҳномалари ҳам берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли: 8 ёки 10-синфни битирганлик ҳақида шаҳодатнома ёки аттестат; туғилганлик ҳақида гувоҳнома, турар-жойидан справка, 8 дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат, ота-онасининг иш жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Геофизика» поселкаси. Тошкент шаҳридан (1, 16, 24, 111-автобусларда «Троицкий поворот», бекатигача борилади, Горький номли метростанциясидан (63-автобусда «1-Қорасув» бекатигача, Луначарский шоссе «Центр» бекатидан «Тошкент—Чингелди», «Тошкент—Тузель» автобусларининг «Геофизика» бекати).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 06415. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босма хонаси. Тошкент шаҳри, Индекс 64543. А. 1069. 13